



**COURSE
«BANKING AUDIT»**

**«БАНК АУДИТИ»
ФАНИ**

**LECTURE #9
AUDIT OF CURRENCY
TRANSACTIONS OF BANKS
Rizaev N.K. - DSc**

**МАЪРУЗА №9
БАНКЛАРДА ВАЛЮТА
ОПЕРАЦИЯЛАРИ АУДИТИ
Ризаев Н.К. – и.ф.д.**

РЕЖА:

01

ITEM 01

**Банклара
операциялари
ташқил этиш**

**валюта
аудитини**

02

ITEM 02

**Кассали
операциялари аудити**


валюта

03


ITEM 03

**Муддатли
операциялари аудити**

валюта



Банклара валюта операциялари аудитини ташкил этиш



Валюта операциялари – валюта қимматликларига бўлган мулк ҳуқуқининг ва бошқа ҳуқуқларнинг ўтиши билан боғлиқ операциялар, валюта қимматликларидан тўлов воситаси сифатида фойдаланиш, валюта қимматликларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, жўнатиш ва ўтказиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш, жўнатиш ва ўтказиш, резидентлар ва норезидентлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси валютасидаги операциялар.

Валюта операциялари ички ва халқаро (трансчегаравий) операцияларга бўлинади.



Ички валюта операциялари - Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўтказиладиган операциялардир.

Халқаро (трансчегаравий) валюта операциялари жорий халқаро операцияларга ва капитал ҳаракати (капитал ўтказмалари) операцияларига бўлинади.

Банкда барча валюта қийматликлари билан амалга ошириладиган операциялар усулига кўра қуйидагиларга бўлинади:



Спот типдаги валюта операциялари;

Муддатли валюта операциялари:
Форвард типдаги валюта операциялари;

Банкда барча валюта қийматликлари билан амалга ошириладиган операциялар усулига кўра қуйидагиларга бўлинади:

- валюта опционлари билан боғлиқ валюта операциялари;
- валюта фьючерслари билан амалга ошириладиган валюта операциялари.

Своп типидаги валюта операциялари.

СПОТ операциялари ёки касса битимлари (нақд битимлар).

СПОТ операцияси - бу битим кунини ҳисобга олмаган ҳолда икки иш куни давомида валюта айрибошлаш бўйича операциядир.

Спот курс - бу спот битим тузилаётган вақтда бир мамлакат валютасини бошқа бир мамлакат валютасидаги баҳосидир.

Муддатли валюта операциялари - бу битим тузилгандан кейин битимдаги курс бўйича келишилган хорижий валютани маълум муддат ўтгач етказиб бериш келишиб олинadиган валюта битимларидир.

Муддатли валюта операцияларининг икки хусусияти келиб чиқади:

- 1. Битим тузилиши билан бажарилиш ўртасида маълум давр вақт бор.
- 2. Муддатли валюта операциялар бўйича валюта курси, маълум муддат ўтганидан кейин фойдаланилса ҳам, битим тузилаётган пайтда белгиланади.

Муддатли валюта операцияларининг икки хусусияти келиб чиқади:

Одатда бу операциялар валюта курси ўзгаришидан химояланиш ёки қўшимча фойда олиш мақсадида амалга оширилади. Муддатли валюта операцияларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- «форвард» операциялари
- «фьючерс» операциялари
- «опцион»лар билан операциялар
- «СВОП» операциялари
- «валюта арбитражи»

Форвард валюта битими

- - бу воз кечиб бўлмайдиган ва банк билан унинг миждози ўртасидаги маълум миқдордаги келишилган валютани битим тузилаётган вақтда қайд қилинган айирбошлаш курсида келажак муддатларда амалга ошириш бўйича мажбуриятларнинг бажарилишидир.

Валюта фьючерси эса

- - бу келажакда валюта олди-сотдисига тузилган шартнома бўлиб у бўйича сотувчи кўрсатилган муддатда ўрнатилган муддатда ўрнатилган курс бўйича аниқ бир валюта миқдорини сотиш, харидор эса шу валютани шу шартларда сотиб олиш мажбуриятларини оладилар.

Валюта опциони

- харидорига маълум бир муддат ёки муддат оралиғида маълум бир қийматдаги валютани опционда белгиланган нарх бўйича сотиш ёки харид қилиш ҳуқуқини беради.

Валютавий своп операцияси

- — битимда белгиланган муддат ва валюта курси бўйича ҳисоблашиш (қайта алмашув) шарти асосида валюталарни бир вақтда сотиб олиш ва сотиш (алмашув) бўйича икки томонлама битимдир. Валютавий своп операцияси икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмини амалга оширишда валюталарнинг дастлабки алмашинуви (спот битим), иккинчи қисмини бажаришда эса, қайта алмашинуви (форвард-битими) ва своп шартномасининг ёпилиши содир бўлади.

Валюта арбитражи

- - бу фойда олиш мақсадида валютани сотиб олиш - сотиш бўйича операциялардир.

CURRENCY IN BANKS




<https://tourquality.uz/press-center/news/1310/>

Ўзбекистон Республикасида кассали валюта операциялари валюта операцияларни амалга ошириш буйича бош лицензияга эга бўлган тижорат банклари томонидан амалга оширилади. Кассали валюта операцияларига **спот** операциялари ва **конверсион** операциялар киради.

Жисмоний шахсларга валюта айирбошлаш операциялари валюта айирбошлаш шохобчалари, чакана амалиётлар кассалари, автоматлаштирилган банк шохобчалари, банкоматлар, махсус дастур ҳамда тижорат банкларининг тегишли таркибий бўлинмалари орқали амалга оширилади.



CURRENCY IN BANKS



<https://www.bookva.org/should-you-do-your-taxes-yourself-or-hire-a-tax-preparer/>

Аудитор валюта айирбошлаш операциялари ЎзРес МБнинг «Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги низом асосида амалга оширилади.

Валюта айирбошлаш шохобчаси — резидент ва норезидент жисмоний шахсларнинг нақд ёки халқаро тўлов карталаридаги чет эл валютасини нақд миллий валютага айирбошлаш, халқаро тўлов карталардаги маблағларни нақд шаклда ечиб бериш ва жисмоний шахсларга нақд чет эл валютасини сотиш операциялари

Чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш курслари тижорат банклари томонидан чет эл валютасига бўлган талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолда мустақил равишда белгиланади.

Операцион кун давомида тижорат банки томонидан чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш курси ўзгартирилиши мумкин.

Чет эл валютасини айирбошлаш операциялари базавий ҳисоблаш миқдорининг **500 баравари миқдorigа** тенг бўлган ёки ундан ошган ҳолларда, жисмоний шахслардан шахсини тасдиқловчи ҳужжат (ЯТТдан қўшимча равишда давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси) талаб этилади (чет эл валюталарини сотиш операцияси бундан мустасно) ва ушбу ҳужжат нусхалари операцияларни амалга оширган ходимлар томонидан банк кунлик ҳужжатларига тикиб қўйилади.

Тижорат банклари томонидан **нақдсиз шаклда чет эл валютасини** сотиш операциясини амалга ошириш банк раҳбарининг буйруғига асосан банкнинг тегишли таркибий бўлинмасига юклатилади.

Таркибий бўлинма томонидан чет эл валютасини **резидент жисмоний шахсларга**, шу жумладан ЯТТга сотиш халқаро тўлов карталаридан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Халқаро пул ўтказмалари бўйича қабул қилинган миллий валютани чет эл валютасига ёки халқаро тўлов карталари орқали тўловлар амалга оширилганда чет эл валютасини миллий валютага автоматик тарзда айирбошлаш операциялари таркибий бўлинма томонидан амалга оширилади.

Чет эл валютаси учун тўлов жисмоний шахс ёки ЯТТ томонидан миллий валютада тижорат банкининг операция бажариладиган кундаги сотиш курсида амалга оширилади ва тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси мижозга берилади, нусхаси эса кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади.

Аудитор қуйидаги бухгалтерия ўтказмасини текширади:

- **Дебет 22617000** Пензионерларнинг пластик карточкалари бўйича мажбуриятлар; **22618000** Жисмоний шахсларнинг пластик карточкалари бўйича мажбуриятлар
- **Кредит 23516000** - Хорижий валюта сотиб олиш учун жисмоний шахсларнинг пластик карталаридан ўтказилган пул маблағлари.
- **Дебет 17409000** - Қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлар бўйича пластик карталардан ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган маблағлар бўйича транзит ҳисобварақлар;
- **Кредит 17101000**- Валюта позицияси ҳисобварақлари.

- Дебет-23516000- Хорижий валюта сотиб олиш учун жисмоний шахсларнинг пластик карталаридан ўтказилган пул маблағлари;
- Кредит-17409000-Конун хужжатларида назарда тутилган бошка туловлар буйича пластик карталардан ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган пул маблағлари буйича транзит ҳисобваракам.
- Дебет-17101840- валюта позицияси ҳисобварақлари;
- Кредит-23122840-Хорижий валюта сотиб олиш учун банк кассаларига нақд пулларни топширган жисмоний шахснинг пластик карталаридан фойдаланган ҳолда ўтказилиши лозим бўлган маблағлар буйича транзит ҳисобварақлар.
- Дебет-23122-840-;
- Кредит-22618-840- Жисмоний шахсларнинг пластик карточкалари буйича мажбуриятлар.

Агар нақд хорижий валюта берилса:

- Дебет-17101840- валюта позицияси ҳисобварақлари
- Кредит-10103840 Пул алмаштириш шохобчаларидаги нақд пуллар

Ушбу операция буйича куриладиган фойда ва зарарлар 17101 хисоб ракамдан 45401-“ Хорижий валюталарда курилган фойда” ва 55302-“ Хорижий валюталарда курилган зарарлар” хисобракамларига утказилади:


Агар фойда курилса:

- Дебет-17101- Валюта позицияси хисобвараклари;
- Кредит-45401-“ Хорижий валюталарда курилган фойда”

Агар зарар курилса:

- Дебет-55302- “Хорижий валюталарда курилган зарарлар”
- Кредит-17101- Валюта позицияси хисобвараклари.

CURRENCY IN BANKS



<https://www.bookva.org/should-you-do-your-taxes-yourself-or-hire-a-tax-preparer/>

Мисолимиздан курадиган булсак бир кунлик операциялар жараенида банк сотиш ва сотиб олиш орасидаги курсдан 12000 сум даромад курди. Буни 17101000 хисоб ракамда (-12000) сум колдик колгани оркали ифодаласак булади. Яъни 17101000 хисоб раками колдигини 45401-“ Хорижий валюталарда курилган фойда” хисоб ракамига утказамиз ва куйидагича бухгалтерия утказмаси берилади:

Дт-17101000- Валюта позицияси
хисобвараклари- 12000

Кт-45401-“ Хорижий валюталарда
курилган фойда”-12000

CURRENCY IN BANKS



Своп битими тузилаётганда, ушбу битим кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида своп битими якунидаги айирбошлашга лозим бўлган валюта миқдорида қуйидаги бухгалтерия ўтказмасини амалга ошириш орқали акс эттирилади:

а) агарда, банк своп битимининг биринчи қисми бўйича чет эл валютасини харид қилаётган бўлса:

Дт 92736 - "Своп шартларида сотиб олиш";

Кт 96373 - "Своп шартлари билан сотиб олиш контр-ҳисобварағи";



CURRENCY IN BANKS



<https://www.bookva.org/should-you-do-your-taxes-yourself-or-hire-a-tax-preparer/>

б) агарда, банк своп битимининг биринчи қисми бўйича чет эл валютасини сотаётган бўлса:

Дт 92732 - "Своп шартларида сотиш";

Кт 96371 - "Своп шартлари билан сотиш контр-ҳисобварағи".

Ваколатли банк своп шартнома ёпилганда ва битим бўйича мижоз томонидан барча мажбуриятлар бажарилганда ўзлаштирилмаган фойда ёки амалга ошмаган зарарни реализация қилади. Ушбу ҳолатда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

ўзлаштирилмаган фойда реализация қилинганда:

Дт 17101 - "Валюта позицияси ҳисобварақлари";

Кт 16913 - "Ревальвация натижасида реализация қилинмаган фойда - Своплар";

амалга ошмаган зарар реализация қилинганда:

Дт 22811 - "Своплар бўйича реализация қилинмаган зарарлар";

Кт 17101 - "Валюта позицияси ҳисобварақлари".

Своп шартнома ёпилгандан сўнг, бир вақтнинг ўзида, ваколатли банк мазкур битимни кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида ёпишни амалга оширади. Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

а) агар банк своп битимининг биринчи қисми бўйича чет эл валютасини харид қилган бўлса:

- Дт 96373 - "Своп шартлари билан сотиб олиш контр-ҳисобварағи";
- Кт 92736 - "Своп шартларида сотиб олиш";


б) агар банк своп битимининг биринчи қисми бўйича чет эл валютасини сотган бўлса:

- Дт 96371 - "Своп шартлари билан сотиш контр-ҳисобварағи";
- Кт 92732 - "Своп шартларида сотиш".

Машғулотга тайёрланиш учун адабиётлар:




- [Wally Smieliauskas](#), [Kate Bewley](#). Auditing: An International Approach Hardcover. McGraw-Hill Ryerson; 6 edition. 800 pages. 2014.
- David O'Regan. International Auditing: Practical Resource Guide 1st Edition, Wiley; 1 edition, 312 pages. 2015.
- Туъчиёв А., Қо'зиёв И., Авлоқулов А., Шеримбетов И., Авазов И. Аудит. Дарслик. – Т.: “Иқтисод-Молија”, 2019. – 620 б.
- Туйчиев А., Қўзиёв И., Авлоқулов А., Машарипов О., Авазов И. Аудит. Электрон дарслик. – Т.: ТМИ. 2021 й.
- Ҳамдамов Б.К. Аудитнинг халқаро стандартлари. Дарслик. – Т.: “Иқтисод-Молија”, 2020. – 320 б.



Машғулотга тайёрланиш учун адабиётлар:



- O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 19 sentyabrdagi "O'zbekiston Respublikasida auditorlik faoliyatini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-3946-son Qarori. <http://lex.uz>
- O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 24 fevraldagi "Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-4611-son Qarori. <http://lex.uz>
- Қўзиев И., Тўйчиев А., Хожиев М., Якубов М. Внутренний аудит. Учебное пособие. –Т.: "иқтисод-молия", 2019. – 420 с.
- Қўзиев И.Н., Ҳамдамов Б.К., Авазов И.Р., Очилав Ф.Ш. Аудитнинг халқаро стандартлари. Электрон дарслик. –Т.: ТМИ. 2021 й.
- www.lex.uz (O'zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi)
- www.aicpa.org (American Institute of Certified Public Accountants)
- www.mf.uz (O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi sayti).



ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН
РАҲМАТ !

